

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.05/13.05.2020.Т.112.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

ПРИМКУЛОВ БЕКЗОД ШЕРАЛИЕВИЧ

**ТАКРОРИЙ ЭКИНЛАР УРУҒЛАРИНИ ЭКАДИГАН
КОМБИНАЦИЯЛАШГАН АГРЕГАТНИНГ ТУПРОҚҚА ТАСМАЛИ
ИШЛОВ БЕРАДИГАН ИШЧИ ОРГАНЛАРИ
ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on technical sciences**

Примкулов Бекзод Шералиевич

Такрорий экинлар уруғларини экадиган комбинациялашган агрегатнинг тупроққа тасмали ишлов берадиган ишчи органлари параметрларини асослаш..... 3

Примкулов Бекзод Шералиевич

Обоснование параметров рабочих органов полосной обработки почвы комбинированного агрегата для сева семян повторных культур..... 19

Primkulov Bekzod Sheralievich

Substantiation of parameters of the strip tilling working bodies of the combined aggregate for sowing seeds of re-crops 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 39

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.05/13.05.2020.Т.112.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ ҚАРИМОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

ПРИМКУЛОВ БЕКЗОД ШЕРАЛИЕВИЧ

**ТАКРОРИЙ ЭКИНЛАР УРУҒЛАРИНИ ЭКАДИГАН
КОМБИНАЦИЯЛАШГАН АГРЕГАТНИНГ ТУПРОҚҚА ТАСМАЛИ
ИШЛОВ БERAДИГАН ИШЧИ ОРГАНЛАРИ
ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/T1855 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.uzmei.uz) ва «ZiyoNeb» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алимова Феруза Абдукадировна
техника фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Худаяров Бердирасул Мирзаевич
техника фанлари доктори, профессор

Артикбаев Бахтияр Пирниязович
техника фанлари бўйича PhD, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

“ВМКВ-Agromash” АЖ

Диссертация ҳимояси Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.05/13.05.2020.T.112.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «21» май соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 110801, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор шаҳарчаси, Самарқанд кўчаси, 41-уй. Тел.: (+99870) 601-07-04, факс: (+99870) 601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz).

Диссертация билан Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (448 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 110801, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор шаҳарчаси, Самарқанд кўчаси, 41-уй. Тел.: (+99870) 601-07-04, факс: (+99870) 601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «5» май куни тарқатилди.
(2021 йил «5» май даги № 10 рақамли реестр баённомаси).



М.Т. Тошболтаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

А.А. Ибрагимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д., к.и.х.

А. Тўхтақўзиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ерларни экишга тайёрлашда қўлланиладиган энергия-ресурстежамкор, иш унуми ва сифати юқори бўлган комбинациялашган машиналарни ишлаб чиқиш ва қўллаш етакчи ўринни эгалламоқда. «Ҳозирда дунё бўйича қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини экиш учун ҳар йили 1,6 млрд. гектар майдонга ишлов берилишини»¹ ҳисобга олсак, ерларни экишга тайёрлаш ва экишда энергия-ресурстежамкор, иш сифати ва унуми юқори комбинациялашган машиналарни жорий этиш муҳим вазифалардан ҳисобланмоқда. Бу борада ривожланган хорижий давлатларда, жумладан АҚШ, Германия, Англия, Россия Федерацияси ва бошқа давлатларда маълум ютуқларга эришилган бўлиб, ерларни экишга тасмали тайёрлаш ва экиш технологик жараёнларини амалга оширадиган комбинациялашган агрегатларни ишлаб чиқиш ва қўллашга катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда такрорий экинлар экиш учун ерларни тайёрлашнинг ресурстежамкор технологиялари ва уларни амалга оширадиган техника воситаларининг янги намуналарини яратиш, мавжуд машиналарни иш жараёнида ресурстежамкорлигини таъминлаш мақсадида такомиллаштиришнинг илмий-техникавий асосларини ишлаб чиқишга йўналтирилган мақсадли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда далаларни бир ўтишда экиш учун тайёрлашнинг ресурстежамкор технологиясини яратиш, технологик жараённи сифатли амалга оширадиган комбинациялашган агрегатнинг схемасини ишлаб чиқиш ва ишчи органларини тупроқ билан ўзаро таъсирлашишда ресурстежамкорликни таъминлайдиган параметрларини асослаш бўйича мақсадли илмий изланишларни олиб бориш долзарб масалалардан ҳисобланмоқда.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат ва энергия сарфини камайтириш, ресурсларни тежаш, қишлоқ хўжалик экинларини илғор технологиялар асосида етиштириш ва юқори унумли қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқиш ва қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш учун суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, иш унуми юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникаларидан кенг фойдаланиш»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда жумладан, ерларни экишга тайёрлаш ва экиш бўйича барча технологик жараёнлар (тупроқни юмшатиш ва дала юзасида майин тупроқ қатламини ҳосил қилиш ҳамда экиш)ни қўшиб бажарадиган комбинациялашган машина ишлаб чиқиш ва ишчи қисмларининг

¹ www.fao.org/docrep/018/i1688r/i1688r03.pdf

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

юқори иш сифатини кам энергия сарфлаган ҳолда таъминлайдиган параметрларини асослаш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 7 июлдаги ПҚ-3117-сон «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида илмий-техникавий базани янада ривожлантириш чора тadbирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тупроққа минимал ишлов берадиган ва қишлоқ хўжалиги экинлар уруғини экадиган комбинациялашган машиналар ва уларнинг ишчи органлари параметрларини асослаш ҳамда тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш жараёнларини ўрганиш бўйича хорижда К.Арава, К.Кawanishi, R.Soucek, S.Anisch, S.Woif (АҚШ), Н.Rid, G. Krupp (Германия), R.Blackstein, J.V.Stafford, A.Geiki (Англия), М.Ф.Санин, С.Е.Федоров, М.Ф.Орловский, И.М.Панов, И.Крючкова, Н.Орлов, Д.А.Тряпицин, В.И.Ветохин (Россия Федерацияси) ва бошқалар шуғулланишган.

Ушбу йўналишда республикамизда Р.И.Бойметов, Ф.М.Маматов, А.Тўхтақўзиев, И.Т.Эргашев, В.А.Сергиенко, А.Караханов, А.Толибоев, А.А.Насритдинов, А.Н.Худоёров, Ф.М.Хасанова, И.Т.Карабаев, Ҳ.Т.Қирғизов, Б.М.Худаяров, М.М.Эргашев, Б.П.Артикбаев ва бошқалар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Бу тадқиқотлар натижалари асосида яратилган машина ва қурилмалар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида муайян ижобий натижаларга эришилган ҳолда қўлланилиб келинмоқда. Аммо уларда такрорий экинлар экиш учун далани тайёрлаш ва бир ўтишда уруғларни экиб кетадиган комбинациялашган агрегатнинг тупроққа тасмали ишлов берадиган ишчи органларининг технологик иш жараёни ва параметрларини асослаш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети Машинасозлик факултети илмий-тадқиқот ишлари режасининг №3-33-«Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасининг техник ва технологик муаммолари» мавзусидаги «Қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш машиналарини такомиллаштириш» қисмининг (2018-2022) топшириғи доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади комбинациялашган агрегатнинг такрорий экинлар уруғлари экиладиган зонага кам энергия сарфлаган ҳолда тасмали ишлов берадиган ишчи органлари параметрларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

комбинациялашган агрегатнинг такрорий экинлар уруғлари экиладиган зонага тасмали ишлов бериб, экишга тайёрлайдиган ишчи органларининг турларини танлаш ва конструктив схемасини ишлаб чиқиш;

донли экинлар ҳосили йиғиб олинган далалар тупроғининг физик-механик хоссаларини аниқлаш;

тупроққа тасмали ишлов берадиган ишчи органларнинг рационал параметрларини назарий асослаш;

тупроққа тасмали ишлов берадиган ишчи органларнинг сифат ва энергетик кўрсаткичларини уларнинг параметрлари ва ҳаракат тезлигига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятларини ўрганиш бўйича экспериментал тадқиқотлар ўтказиш;

ишлаб чиқилган ишчи органлар билан жиҳозланган комбинациялашган агрегатнинг техник ва иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида такрорий экинлар экиладиган тупроқнинг физик-механик хоссалари, комбинациялашган агрегатнинг тупроққа тасмали ишлов берадиган ишчи органлари ва уларнинг тупроқ билан таъсирлашиш жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети комбинациялашган агрегатнинг тупроққа тасмали ишлов берадиган ишчи органларининг тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш жараёнларини ифодаловчи аналитик боғланишлар ва математик моделлар, тупроққа тасмали ишлов беришнинг агротехник ва энергетик иш кўрсаткичларини ишчи органларининг параметрлар ва ҳаракат тезлигига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида статистик таҳлил усуллари, математик ҳисоблаш қоидалари, бир омили тажрибалар асосида тупроққа тасмали ишлов берадиган ишчи органлар параметрларини тадқиқ этиш усуллари, экспериментларни математик режалаштириш орқали ясси диск ва ўқёйсимон панжа параметрларини мақбуллаштириш усули ва тензометрия усуллари ҳамда мавжуд меъёрий ҳужжатлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тупроққа тасмали ишлов берадиган ясси диск ва ўқёйсимон панжадан ташкил топган ишчи органларининг конструктив схемаси ишлаб чиқилган ва уларнинг технологик иш жараёни асосланган;

ясси дискнинг диаметри ва ўткирланиш бурчаги у йўлида учрайдиган ўсимлик қолдиқларини кесиб кетиши таъминланишини ҳисобга олинган ҳолда аниқланган;

ясси дисклар орасидаги кўндаланг ҳамда ўқёйсимон панжа ва дисклар орасидаги бўйлама масофалар улар тупроқ билан таъсирлашиш зоналари ҳамда тупроқнинг бўйлама йўналишда синиш бурчагини ҳисобга олинган ҳолда асосланган;

комбинациялашган агрегатнинг тупроққа тасмали ишлов берадиган ишчи органлари параметрларининг талаб даражасидаги иш сифатини кам энергия сарфлаган ҳолда таъминлайдиган мақбул қийматлари унинг агротехник ва энергетик иш кўрсаткичларини таъсирини баҳоловчи регрессия тенгламаларини ечиш орқали аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

такрорий экинлар уруғларини экадиган комбинациялашган агрегатнинг тупроққа тасмали ишлов берадиган ва мақбул параметрларга эга бўлган ясси диск ва ўқёйсимон панжаси ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган ясси диск ва ўқёйсимон панжа билан жиҳозланган комбинациялашган агрегат такрорий экинларни экиш учун тупроққа тасмали ишлов беришда қўлланилганда энергия ва ресурс сарфларини камайиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги изланишларнинг замонавий усуллар ва ўлчаш воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро адекватлиги, такрорий экинларни экиш учун ерларга ишлов бериш ҳамда экишда қўлланиладиган комбинациялашган агрегат дала синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти комбинациялашган агрегатнинг кам энергия сарфлаган ҳолда талаб даражасидаги иш сифатини таъминловчи параметрлари асосланганлиги ҳамда олинган математик моделлар ва аналитик боғланишлардан бошқа шунга ўхшаш ишчи органларининг параметрларини асослашда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган комбинациялашган агрегат даладан бир ўтишда тупроқни экишга тасмали тайёрлаш ва экиш бўйича барча технологик жараёнларни қўшиб бажариши ҳисобига ёнилғи ва моддий харажатлар ҳамда меҳнат сарфини камайиши ва иш унумини оширишга эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Такрорий экинлар уруғларини экадиган комбинациялашган агрегатнинг тупроққа тасмали ишлов берадиган ишчи органлари параметрларини асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

такрорий экинларни экиш учун ерларни тайёрлаш технологик жараёнлари бажарилишининг сифат кўрсаткичларини баҳолашга дастлабки талаблар ҳамда комбинациялашган агрегат конструкциясини лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш учун техник топшириқ тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 23 декабрдаги 02/023-4559-сон маълумотномаси). Натижада такрорий экинлар уруғларини экадиган энергия-ресурс тежамкор комбинациялашган агрегат конструкциясини ишлаб чиқиш имкони яратилган;

ерларни такрорий экинларни экишга тасмали тайёрлаш учун ишлаб чиқилган комбинациялашган агрегат Қашқадарё вилоятининг Қамаши тумани ва Тошкент вилоятининг Янгийўл тумани фермер хўжаликларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 23 декабрдаги 02/023-4559-сон маълумотномаси). Натижада мавжуд агрегатларга нисбатан фойдаланишдаги тўғридан-тўғри харажатлар 1,5 мартагача камайишига эришилган;

комбинациялашган агрегат ишлаб чиқарилишини ўзлаштириш учун лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари (техник топшириқ ва чизмалар)

«ВМКВ-Agromash» АЖ да лойиҳалаш жараёнига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 23 декабрдаги 02/023-4559-сон маълумотномаси). Натижада энергия-ресурстежамкор комбинациялашган агрегатнинг саноат нусхаси ишлаб чиқариш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўрганилаётган муаммонинг ҳозирги ҳолати ва тадқиқот вазифалари**» деб номланган биринчи бобида республикада такрорий экинлар уруғларини экиш учун тупроқни тайёрлашнинг ҳозирги ҳолати, такрорий экинлар экишнинг мавжуд технологиялари ва техник воситалари ҳақидаги қисқача маълумотлар, такрорий экинлар экишда агротехнологияларнинг тупроқ агрофизик ва агрохимёвий хоссаларига таъсири, такрорий экинларни экадиган агрегатлар ва улар ишчи органларининг параметрларини асослаш бўйича бажарилган илмий-тадқиқот ишларининг мазмуни, чопиқ култиваторларининг ясси кесувчи ишчи органларининг асосий параметрларини асослаш бўйича тадқиқот ишлари қисқача таҳлили келтирилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.


Диссертациянинг «**Такрорий экинлар уруғларини экадиган комбинациялашган агрегат қўлланиладиган далалар тупроғининг физик-механик хоссалари ва ишчи органларининг турини танлаш**» деб номланган иккинчи бобида такрорий экинлар экиладиган буғдойдан бўшаган далалар тупроғининг физик-механик хоссалари (намлиги, қаттиқлиги, зичлиги), далалар рельефи, кўндаланг профили ва улар юзасидаги ўсимлик қолдиқларининг микдорини ўрганиш ҳамда тупроққа тасмали ишлов бериш учун ишчи органлар турларини танлаш бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Ўтказилган тадқиқот ишларининг таҳлили буғдойдан бўшаган далаларни

экишга тайёрлаш даврида 0-30 см қатламдаги тупроқ намлиги 6,1-12,5 фоиз, зичлиги 1,34-1,87 г/см³ ва қаттиқлиги 2,48-3,01 МПа оралиқларида, далаларда эгат ва пушта кўринишидаги нотекисликлар мавжуд бўлиб, уларнинг ўртача чуқурлиги ва баландлиги 7,6-11,5 см оралиғида, дала юзасидаги бегона ўтлар ва ўсимлик қолдиқларининг баландлиги ўртача 22,47 см ва унинг миқдори 1,2 т/га бўлишини кўрсатди. Тасмали ишлов бериш учун ишчи органлар турларини танлаш бўйича тадқиқотлар натижаларидан келиб чиқиб, тупроқнинг уваланиши ва ишлов бериш чуқурлигининг бир текислиги, шунингдек юмшатирилган тасманинг кенлиги ва ишлов берилган юзанинг текислиги талаб даражасида бўлишини таъминлаш ҳамда ишчи органларнинг ўсимлик қолдиқлари ва тупроқ билан тикилиб қолишини олдини олиш учун 3 та ясси диск ва ўқёйсимон панжадан иборат бўлган ишчи органлар секцияси танлаб олинди. Кейинги тадқиқотлар ушбу ишчи органлар секциясининг асосий параметрларини асослашга қаратилди.

Диссертациянинг «Комбинациялашган агрегатнинг тупроққа тасмали ишлов берадиган ишчи органлар секцияси параметрларини асослаш бўйича назарий тадқиқотларнинг натижалари» деб номланган учинчи бобида комбинациялашган агрегатнинг конструктив схемаси, тупроққа тасмали ишлов берадиган ишчи органларининг асосий параметрлари, рамада жойлашиш схемалари, уларни асослаш ва тортишга қаршилигини аниқлаш ҳамда ишлов бериш чуқурлиги бўйича барқарор ҳаракатини таъминлаш бўйича олиб борилган назарий тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Илмий-техник адабиётлар ва патент-информацион материалларнинг таҳлиллари асосида комбинациялашган агрегатнинг тупроққа тасмали ишлов берадиган ишчи органлар секциясининг конструктив схемаси ишлаб чиқилди (1-расм). У ясси дисклар 1, 2 ва 3, ўқёйсимон панжа 4, грядил 5 ва осий механизми 6 дан ташкил топган бўлиб, қуйидагилар унинг энергетик ва агротехник иш кўрсаткичларига таъсир этадиган асосий параметрлари ҳисобланади: D – ясси дискнинг диаметри, м; 2ε – дискнинг ўткирланиш бурчаги, градус; t_d – дискнинг қалинлиги, м; Δ – диск тифининг қалинлиги, м;



1-расм. Комбинациялашган агрегатнинг тупроққа тасмали ишлов берадиган ишчи органлари секцияси

β_y – ўқёйсимон панжанинг увалаш бурчаги, градус; $2\gamma_y$ – ўқёйсимон панжанинг қанотларининг очилиш бурчаги, градус; α_y – ўқёйсимон панжанинг тупроққа кириш бурчаги, градус; Q_y – дискларга бериладиган тик юкланиш, Н; B_y – ўқёйсимон панжанинг қамраш кенлиги, м; i_y – ўқёйсимон панжанинг тифларининг ўткирланиш бурчаги, градус; η – қурилма параллелограмм механизми бўйлама тортиқларининг

горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчаги, градус; Q_n – ишчи органлар секцияси пружинасининг босим кучи, Н; l_n – четки дисклар орасидаги кўндаланг масофа, м; l_m – марказий ва четки дисклар орасидаги кўндаланг масофа, м; L – ўқёйсимон панжа ва дисклар орасидаги бўйлама масофа, м.

Ишчи органлар секцияси дискининг диаметрини унинг йўлида учрайдиган ўсимлик қолдиқларини кесиб кетиши таъминланиш шартидан аниқланди:

$$D \geq \frac{d_y [1 + \cos(\varphi_{1y} + \varphi_{2y})] + 2h_d}{1 - \cos(\varphi_{1y} + \varphi_{2y})}. \quad (1)$$

бунда d_y – ўсимлик қолдиқлари кўндаланг кесимининг диаметри, м; φ_{1y} , φ_{2y} – мос равишда ўсимлик қолдиқларининг диск тиғи ва тупроққа ишқаланиш бурчаклари, градус; h_d – дискнинг тупроққа ботиш чуқурлиги, м.

Дискнинг ўткирланиш бурчагини қуйидаги ифода бўйича аниқлаймиз:

$$2\varepsilon = \frac{\pi}{2} - \varphi \quad (2)$$

бунда φ – тупроқни дискнинг тиғига ишқаланиш бурчаги, градус.

$d_y=2$ см, $\varphi_{1y}=30^\circ$, $\varphi_{2y}=40^\circ$, $h_d=8$ см ва $\varphi=25-35^\circ$ қабул қилиб (1) ва (2) ифодалар бўйича ўтказилган ҳисоблар ясси дискнинг диаметри камида 283 мм, ўткирланиш бурчаги $55-65^\circ$ оралиғида бўлиши лозимлигини кўрсатди.

Ишчи органлар секцияси дискларига бериладиган тик юкланишни уларни тупроққа белгиланган чуқурликка ботиб ишлашини таъминлаш шартидан қуйидаги ифода ёрдамида аниқлаймиз:

$$Q_y = nq_0(1 + \kappa V^2) \left\{ \Delta R_d \left[\sqrt{2R_d h_d - h_d^2} - (R_d - h_d) \arccos \frac{R_d - h_d}{R_d} \right] + \frac{1 + f \operatorname{ctg} \varepsilon}{\cos \varepsilon} \left[R_d^2 - \left(R_d - \frac{t_d - \Delta}{2} \operatorname{ctg} \varepsilon \right)^2 \right] \left[\sqrt{\left(R_d - \frac{t_d - \Delta}{2} \operatorname{ctg} \varepsilon \right)^2 - (R_d - h_d)^2} - (R_d - h_d) \arccos \frac{R_d - h_d}{\left(R_d - \frac{t_d - \Delta}{2} \operatorname{ctg} \varepsilon \right)} \right] \right\}, \quad (3)$$

бунда n – ишчи органлар секциясига ўрнатилган дисклар сони, дона; q_0 – тупроқнинг ҳажмий эзилиш коэффициенти, Н/м³; f – ишқаланиш коэффициенти; κ – пропорционалик коэффициенти, с²/м²; V – агрегатнинг ҳаракат тезлиги, м/с.

$n=3$ дона, $q_0 = 0,5 \cdot 10^7$ Н/м³; $\kappa = 0,08$ с²/м²; $\Delta=0,0005$ м, $R_d = 0,15$ м; $h_d = 0,08$ м, $f = 0,5$ қабул қилиб (3) ифода бўйича ўтказилган ҳисоблар 5,5-7,0 км/соат ҳаракат тезлигида ишчи органлар секциясининг дисклари белгиланган чуқурликка ботиб ишлаши учун уларга 411-450 Н тик юкланиш берилиши лозимлигини кўрсатди.

Ишчи органлари секцияси ўқёйсимон панжасининг увалаш бурчаги тупроқнинг сифатли уваланиши ҳамда унинг тортишга қаршилиги эса кам бўлиши шартларидан келтириб чиқарилган қуйидаги ифода бўйича топилди:

$$\beta_{\bar{y}} = \arcsin \left\{ \left\{ -\sin(\varphi + \rho) + \sqrt{\sin^2(\varphi + \rho) + \left[2 + \frac{1}{2} \cos(\varphi + \rho) \right] [1 + \cos(\varphi + \rho)]} \right\} : \left[2 + \frac{1}{2} \cos(\varphi + \rho) \right] \right\}, \quad (4)$$

бунда ρ – тупроқнинг тупроққа ишқаланиш бурчаги, градус.

Ўқёйсимон панжа қанотларининг очилиш бурчаги уларнинг тифлари бўйлаб бегона ўтлар ва ўсимлик қолдиқлари эркин сирпаниши таъминланиши шартидан қуйидаги ифода бўйича аниқланди:

$$2\gamma_{\bar{y}} < 180^\circ - 2\varphi_{\bar{y}(\bar{\sigma})}, \quad (5)$$

бунда $\varphi_{\bar{y}(\bar{\sigma})}$ – ўсимлик қолдиқлари, бегона ўтлар ва улар илдизларининг ўқёйсимон панжанинг тифига ишқаланиш бурчаги, градус.

Ўқёйсимон панжанинг тупроққа кириш бурчагини $\beta_{\bar{y}}$ ва $\gamma_{\bar{y}}$ бурчакларнинг маълум қийматлари бўйича аниқлаймиз, яъни

$$\alpha_{\bar{y}} = \arctg(\sin \gamma_{\bar{y}} \operatorname{tg} \beta_{\bar{y}}). \quad (6)$$

Ўқёйсимон панжанинг қамраш кенглигини комбинациялашган агрегатнинг орқа қисмига ўрнатилган сеялка сошнингининг кенглигидан келиб чиққан ҳолда аниқлаймиз. Уруғлар сифатли экилиши учун ўқёйсимон панжанинг қамраш кенлиги унга тенг ёки ундан катта бўлиши лозим, яъни

$$B_{\bar{y}} \geq B_c, \quad (7)$$

бунда B_c – сеялка сошнингининг кенлиги, м.


$\varphi=25-35^\circ$; $\rho=35-45^\circ$; $\varphi_{\bar{y}(\bar{\sigma})} = 45^\circ$ ва $B_c=17$ см қабул қилиб (4)-(7) ифодалар бўйича ўтказилган ҳисоблар қурилма ўқёйсимон панжасининг увалаш бурчаги $25-32^\circ$ оралиғида, қанотларининг очилиш бурчаги кўпи билан 90° , тупроққа кириш бурчаги 22° , қамраш кенлиги камида 17 см бўлиши лозимлигини кўрсатди.

Ишчи органлар секцияси параллелограмм механизми бўйлама тортқиларининг горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчаги η унинг иш кўрсаткичларига катта таъсир кўрсатади. Унинг дисклари ва ўқёйсимон панжаси белгиланган чуқурликка ботиб ишлаши ва шу чуқурликда барқарор юриши учун параллелограмм механизм бўйлама тортқиларининг горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчаги $0-10^\circ$ оралиғида бўлиши лозим. Чунки бунда тупроқ физик-механик хоссаларининг ўзгарувчанлиги ишчи органлар секциясининг иш кўрсаткичларига катта таъсир кўрсатмайди.

Ишчи органлар секцияси-нинг пружинаси томонидан уларга бериладиган босим кучини унинг таянч ғилдираги доимий равишда дала юзаси (пушта)га босиб турилиши, яъни $N>0$ (бунда N – тупроқ томонидан қурилманинг таянч ғилдирагига таъсир этувчи реакция кучи) бўлиши шартидан аниқлаймиз (2-расм):

$$Q_n = N_z + nR_{\partial z} + R_{\bar{y}z} \operatorname{tg} \psi - mg, \quad (8)$$

бунда N_Z – тупроқ томонидан курилманинг таянч ғилдирагига таъсир этувчи реакция кучининг тик ташкил этувчиси, Н; $R_{\partial Z}$ – диска тупроқ томонидан таъсир этувчи реакция кучининг тик ташкил этувчиси, Н; $R_{\dot{y}Z} - R_{\dot{y}}$ кучининг тик ташкил этувчиси, Н; $\psi_{\dot{y}} - R_{\dot{y}}$ кучининг горизонтга нисбатан оғиш бурчаги, градус; m – ишчи органларнинг массаси, кг; g – эркин тушиш тезланиши, м/с²; n – ишчи органлар сони, $m = 70$ кг, $g = 9,81$ м/с², $N_Z = 500$ Н қабул қилиб ҳамда (8) ифодага $R_{\partial Z} = 0,15$ кН, $R_{\dot{y}Z} = 0,055$ кН, $\psi_{\dot{y}} = 8^\circ$ ва $n = 3$ қийматларни қўйиб, курилма пружинасининг унга берадиган босим кучи 337 Н бўлиши лозимлигини аниқлаймиз.



2-расм. Ишчи органлар секциясига таъсир этувчи кучларнинг схемаси

Ишчи органлар секциясининг ишлов бериш чуқурлиги бўйича барқарор ҳаракатини тадқиқ этиш. Бунда қуйидаги чекланишларни қабул қиламиз: агрегат ўзгармас тезлик билан ҳаракатланади; параллелограмм механизм шарнирларидаги ишқаланиш кучлари жуда кичик ва иш органларининг бўйлама-тик текисликдаги ҳаракатига таъсир этмайди; култиватор рамасининг чизиқли ва бурчак тебранишлари секция ишчи органларининг ишлаш чуқурлигига таъсир кўрсатмайди; секциянинг таянч ғилдираги доимо тупроққа босиб турилади; ишчи органлари секцияси параллелограмм механизмнинг тортқилари мувозанат ҳолатда горизонтал ҳолатни эгаллаб ишлайди ва уларнинг бу ҳолатдан оғиши кичик бурчакни ташкил этади.

Ушбу чекланишлар ва 2-расмда келтирилган ҳисобий схемадан фойдаланиб, иш органлари ишлаш чуқурлигининг ўзгаришини қуйидаги ифода орқали аниқлаймиз:

$$\frac{1}{m} \sum_{n=1}^{n_1} \frac{\Delta R_Z^n}{\sqrt{\left[\frac{(C_m B_m + C_n)}{m} - (n\omega)^2 \right]^2 + \left(\frac{b_m B_m}{m} \right)^2 (n\omega)^2}} \leq 0,5\Delta h, \quad (9)$$

бунда C_m – тупроқнинг таянч ғилдирагининг бир бирлик кенглигига келтирилган бикирлик коэффиценти, Н/м²; B_m – таянч ғилдирак тўғинининг кенглиги, м; C_n – пружинанинг бикирлиги, Н/м; $\Delta R_Z^n - R_Z(t)$ куч ўзгарувчан ташкил этувчисининг амплитудаси, Н; b_m – тупроқнинг таянч ғилдирагининг бир бирлик кенглигига келтирилган қаршилик коэффиценти, Нс/м²; $n=1, 2, \dots$, n_1 – гармоникалар номери; $\omega - \Delta R_Z^n$ куч ўзгаришининг айланма частотаси, с⁻¹; Δh – ишлов бериш чуқурлигининг рухсат этилган ўзгариши, м.

$C_m=3,4 \cdot 10^3$ Н/м²; $B_m=0,1$ м; $b_m=51,2 \cdot 10^3$ Н·с/м²; $\Delta R_Z^n=80$ Н; $m=70$ кг; $n=1$; $\omega=2$ с⁻¹; $\varphi_n=10^\circ$; $\mu=0,3$ қабул қилиниб (9) ифода бўйича ҳисоблашлар

параллелограмм механизм босим пружинасининг бикирлиги 82,7 Н/см дан кам бўлмаслиги лозимлиги аниқланди.

Четки дисклар ҳамда марказий ва четки дисклар орасидаги кўндаланг масофалар l_q ва l_m ларни 3-расмда келтирилган схемадан фойдаланиб куйидаги ифодалар орқали аниқлаймиз:

$$l_q \geq B_c, \quad (10)$$

ва

$$l_m \geq 0,5l_q = 0,5B_c, \quad (11)$$

бунда B_c – комбинациялашган агрегат сеялкаси сирпанғичининг кенлиги, м.

Комбинациялашган агрегат таркибидаги сеялка сирпанғичининг кенлиги 17 см га тенг. Буни ҳисобга олиб (10) ва (11) ифодалар асосида $l_q = 20$ см ва $l_m = 10$ см бўлиши лозимлиги аниқланди.

Ўқёйсимон панжа ва дисклар орасидаги бўйлама масофа L ни уларнинг орасига тупроқ ва ўсимлик қолдиқлари тикилиб қолмаслиги шартидан аниқладик:

$$L > \sqrt{2R_d h_d - h_d^2} + h_y \operatorname{tg} \frac{\beta_y + \varphi_1 + \varphi_2}{2}, \quad (12)$$


бунда R_d – диск радиуси, м; h_y – ўқёйсимон панжанинг тупроққа ботиш чуқурлиги, м; β_y – ўқёйсимон панжанинг увалаш бурчаги, градус; φ_1, φ_2 – тупроқнинг ташқи ва ички ишқаланиш бурчақлари, градус.

Бу ифодага $R_d = 0,15$ м, $h_d = 0,08$ м, $h_y = 0,1$ м, $\beta_y = 30^\circ$, $\varphi_1 = 30^\circ$ ва $\varphi_2 = 40^\circ$ қийматларни кўйиб, ишчи органлар секциясининг дисклари ва ўқёйсимон панжаси орасидаги бўйлама масофа L камида 25 см бўлиши лозимлигини аниқлаймиз.

Диссертациянинг «**Комбинациялашган агрегатнинг тупроққа тасмали ишлов берадиган ишчи органлар секцияси параметрларини асослаш бўйича тажрибавий тадқиқотларнинг натижалари**» деб номланган тўртинчи бобида ишлаб чиқилган комбинациялашган агрегатнинг тупроққа тасмали ишлов берадиган ишчи органлари секцияси параметрларининг мақбул қийматларини асослаш бўйича ўтказилган экспериментал тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Экспериментал тадқиқотлар икки босқичда олиб борилди. Биринчи босқичда комбинациялашган агрегат ишчи органлари секциясининг параметрларини тупроқнинг уваланиш сифати ҳамда унинг тортишга қаршилигига таъсири ўрганилди. Иккинчи босқичда эса тажрибаларни математик режалаштириш усули қўлланилиб, кўп омилли тажрибалар ўтказилди.

Комбинациялашган агрегатнинг иш кўрсаткичларини аниқлаш бўйича тажрибалар кузги буғдойдан бўшаган далада ўтказилди. Тажрибалар ўтказилишидан олдин тупроқнинг 0-5, 5-10 ва 10-20 см қатламлардаги намлиги



3-расм. Дисклар орасидаги кўндаланг масофаларни аниқлашга доир схема

мос равишда 8,2; 11,5; 13,4 фоиз, қаттиқлиги 2,20; 2,57; 3,04 МПа, зичлиги эса 1,06; 1,43; 1,48 г/см³ ни ташкил этди.


Тажрибаларда олинган маълумотлар бўйича ишчи органлар секцияси дискининг диаметри 20 см дан 35 см га ортиши билан тупроқнинг уваланиш даражаси ва унинг тортишга қаршилиги камайган. Чунки дискларнинг диаметри ортиши билан уларнинг тупроқ билан ўзаро таъсирда бўлган қисми ортади. Бу дискларга бериладиган юкланиш ўзгармас бўлганда уларнинг тупроққа ботиш чуқурлигини камайишига олиб келади. Натижада тупроқ етарли даражада яхши кесилмайди ва унинг ортидаги ўқёйсимон панжа томонидан тупроқнинг уваланиш даражаси камаяди.

Ўтказилган тажрибавий тадқиқотларнинг натижалари бўйича тупроқни агротехник талаблар даражасида уваланиши учун дисклар диаметри 200-300 мм оралиғида бўлиши лозим.

Марказий ва четки дисклар орасидаги кўндаланг масофани 8 см дан 14 см гача ўзгариши тупроқнинг уваланиш сифатини ёмонлашувига олиб келган, яъни майда фракциялар миқдори камайиб, йирик кесаклар миқдори ортган. Дисклар орасидаги кўндаланг масофа 8 см бўлганда уларнинг орасига анғиз ва кесаклар тикилиб қолиши кузатилди.

Дисклар орасидаги кўндаланг масофа ортиши билан ишчи органларнинг тортишга қаршилиги олдин камайган, сўнгра ортган. Минимал солиштирма қаршилиқ бу масофа 10 см бўлганда кузатилган.

4-расмда берилган график боғлиқликлардан қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:



1, 2 – мос равишда агрегат тезлиги 5,5 ва 7,0 км/соат бўлганда

4-расм. Тупроқнинг уваланиш даражаси ($\Phi_{₂₅}$) ва ишчи органлар секциясининг тортишга қаршилиги (R) ни унинг пружинаси томонидан уларга бериладиган тик босим кучи (Q_n) га боғлиқ равишда ўзгариш графиклари.


- тупроқнинг уваланиш даражаси пружинанинг тик босим кучи ортиши билан олдин секинроқ, кейин эса тезроқ ортган, яъни тик босим кучи ортиши билан тупроқ уваланиш даражасининг ортиш жадаллиги ортган.

- ишчи органлар секциясининг тортишга қаршилиги ҳам босим кучи ортиши билан ботиқ парабола қонунияти бўйича олдин секинроқ, кейин эса тезроқ ортган.

Тик босим кучи ортиши билан тупроқнинг уваланиш даражаси ва

тортишга қаршиликни ортиши асосан ясси дисклар томонидан тупроқда ҳосил қилинадиган босим ва кучланишларни ўзгариши ҳисобига юз беради.

Тажрибаларда олинган натижалар (5-расм) шуни кўрсатадики, ҳар иккала ҳаракат тезлигида ҳам ясси дисклар ва ўқёйсимон панжа орасидаги бўйлама масофанинг ортиши тупроқнинг уваланиш сифатини яхшиланишига олиб келган, яъни ўлчами 50 мм дан катта бўлган тупроқ фракцияларининг миқдори камайиб, ўлчами 25 мм дан кичик бўлган тупроқ фракциялари миқдори ортган. Буни ясси дисклар ва ўқёйсимон панжа орасидаги бўйлама масофа ортиши билан ясси дисклар томонидан тупроққа ўқёйсимон панжа таъсир кўрсатмасдан ишлов берилиши билан изоҳлаш мумкин.



1, 2 – мос равишда агрегат тезлиги 5,5 ва 7,0 км/соат бўлганда

5-расм. Тупроқнинг уваланиш даражаси ($\Phi_{<25}$) ва ишчи органлар секциясининг тортишга қаршилиги (R) ни ясси дисклар ва ўқёйсимон панжа орасидаги бўйлама масофа (L) га боғлиқ равишда ўзгариш графиклари.

Ишчи органлар секциясининг тортишга қаршилиги ясси дисклар ва ўқёйсимон панжа орасидаги бўйлама масофа ортиши билан камайган. Масалан, агрегатнинг ҳар иккала ҳаракат тезлигида ҳам таъкидланган масофа 20 см дан 35 см гача ўзгарганда ишчи органлар секциясининг тортишга қаршилиги мос равишда 1,46 кН ва 1,51 кН га камайган. Бунинг асосий сабаби шуки, бу масофа 20 см бўлганда ясси дисклар томонидан тупроққа ўқёйсимон панжа таъсир кўрсатгандан кейин ишлов берилиши билан тушунтириш мумкин. Бу масофа ортиши билан эса юқоридаги камчилик бартараф этилади ва тортишга қаршилик ҳам камайиб боради.

Комбинациялашган агрегат ишчи органлари секциясининг назарий ва бир омилли экспериментларда ўрганилган параметрларининг мақбул қийматларини аниқлаш учун кўп омилли экспериментлар ўтказилди. Бунда тажрибалар Хартли-4 режаси бўйича ўтказилди.

Тадқиқотларни ўтказиш учун дискнинг диаметри (X_1), улар орасидаги кўндаланг масофа (X_2), агрегат пружинаси томонидан ишчи органларига бериладиган босим кучи (X_3) ҳамда агрегатнинг ҳаракат тезлиги (X_4) ишчи органлар секциясининг сифат ва энергетик иш кўрсаткичларига таъсир этувчи омиллар сифатида танлаб олинди.

Тажриба натижаларига ишлов берилиб, баҳолаш мезонларини адекват ифодаловчи қуйидаги регрессия тенгламалари олинди:

- тупроқнинг уваланиш даражаси (%):

$$Y_1 = + 80,424 - 1,560 X_1 - 4,00 X_2 + 3,570 X_3 + 1,860 X_4 - 1,084 X_1^2 - 1,129 X_1X_2 - 0,763 X_1X_3 + 0,996 X_1X_4 + 1,933 X_2^2 + 0,766 X_3^2 + 1,121 X_3X_4 \quad (13)$$

- ишчи органлар секциясининг тортишга қаршилиги бўйича (кН):

$$Y_2 = 1,435 - 0,148 X_1 - 0,036X_2 + 0,084 X_3 + 0,031 X_4 - 0,051X_1^2 - 0,049X_1X_2 - 0,026 X_1X_3 + 0,021 X_1X_4 + 0,034 X_2^2 - 0,025 X_2X_3 - 0,024 X_2X_4 + 0,034X_3^2 + 0,023 X_3X_4 + 0,051X_4^2. \quad (14)$$

(13) ва (14) регрессия тенгламалари MS Excel ва Planex дастурлари бўйича Y_1 мезон, яъни ўлчами 25 мм дан кичик фракциялар миқдори 80 фоиздан кам бўлмаслиги, Y_2 мезон, яъни ишчи органлар секциясининг тортишга қаршилиги минимал қийматга эга бўлиши шартларидан ечилиб, 5,5-7,0 км/соат иш тезлиги оралиғида комбинациялашган агрегатнинг тупроққа тасмали ишлов берадиган ишчи органларининг қуйидаги параметрларга эга бўлиши лозимлиги аниқланди: ясси дискларнинг диаметри 285,6-289,2 мм, улар орасидаги кўндаланг масофа 8,3-9,4 см, агрегат пружинаси томонидан уларга бериладиган босим кучи 329,2-341,3 Н ни ташкил этади.

Диссертациянинг «**Ишлаб чиқилган комбинациялашган агрегатнинг хўжалик синовлари натижалари ва унинг иқтисодий кўрсаткичлари**» деб номланган бешинчи бобда комбинациялашган агрегат тажриба нусхасининг қисқача техник тавсифи, дала синовлари натижалари ва унинг иқтисодий самарадорлиги келтирилган.

Синовларда ишлаб чиқилган комбинациялашган агрегатнинг тажриба нусхаси белгиланган жараёни ишончли бажарди ва унинг иш кўрсаткичлари унга қўйилган талабларга тўлиқ мос келди.

Ишлаб чиқилган комбинациялашган агрегатнинг техник иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш бўйича ўтказилган ҳисоблар шуни кўрсатдики, тавсия этилаётган тур ва параметрларга эга бўлган ишчи органлар билан жиҳозланган комбинациялашган агрегатни қўллаш бир гектар ерга ишлов бериш учун сарфланадиган тўғридан-тўғри харажатларни 33 фоизга камайтиради. Буни эвазига комбинациялашган агрегатдан олинадиган йиллик иқтисодий самара 22382791 сўмни ташкил этади.

ХУЛОСА

«Такрорий экинлар уруғларини экадиган комбинациялашган агрегатнинг тупроққа тасмали ишлов берадиган ишчи органлари параметрларини асослаш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Буғдойдан бўшаган ерларни такрорий экинлар экишга тайёрлайдиган ва экадиган техник воситалар конструкцияларининг ҳолати ва ривожланиш истиқболи ҳамда уларнинг технологик иш жараёнларини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқотларни ўрганиш шуни кўрсатдики, такрорий экинлар уруғларини экадиган энергия-ресурстежамкор комбинациялашган агрегатнинг

тупроққа тасмали ишлов берадиган ишчи органларининг конструкцияси ва параметрларини мақбуллаштириш унинг иш сифати ва унумини оширишга хизмат қилади.

2. Буғдойдан бўшаган далаларни экишга тайёрлаш ва такрорий экинлар экиш даврида тупроқнинг юқори қисмидаги намлиги 5,4-6,1 фоизни, қаттиқлиги 3,8-4,02 МПа ва зичлиги 1,07-1,17 г/см³ ни, дала юзасидаги сомон ва ўсимлик қолдиқларининг миқдори 1006,3-1121,3 г/м² ни ташкил этишини ва мазкур иш шароитлари учун мақбул конструкциядаги тупроққа тасмали ишлов берадиган ишчи органлар билан жиҳозланган комбинациялашган агрегатни ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланиш самарали эканлигини кўрсатди.

3. Комбинациялашган агрегатнинг тупроққа тасмали ишлов берадиган ишчи органлар секцияси дисklarининг диаметри камида 283 мм, ўткирланиш бурчаги 55-65° оралиғида, уларга бериладиган тик юкланиш 411-450 Н, ўқёйсимон панжанинг увалаш бурчаги 25-32° оралиғида, қанотларининг очилиш бурчаги кўпи билан 90°, тупроққа кириш бурчаги 22° ва қамраш кенлиги камида 17 см бўлиши ерларни талаб даражасида экишга тайёрлашда кам энергия сарфлаган ҳолда таъминлаш имкониятини беради.

4. Тупроққа тасмали ишлов берадиган ишчи органлар секциясининг босим пружинаси томонидан уларга бериладиган тик босим кучи ва унинг биқирлиги мос равишда 337 Н ва 8,27 кН/м дан кам бўлмаслиги ишчи органларни белгиланган чуқурликка ботиши ва барқарор ишлашини таъминлайди.

5. Агрегат ишчи органлари секциясининг четки дисклари орасидаги ва марказий ва четки дисклари орасидаги кўндаланг масофалар мос равишда 20 см ва 10 см ҳамда ўқёйсимон панжа ва дисklar орасидаги бўйлама масофа камида 25 см бўлиши ишчи органлар томонидан ишлов берилаетган қатламни тўлиқ юмшатилиши ва улар орасига ўсимлик қолдиқларини тикилиб қолмаслигини таъминлайди.

6. Агрегатнинг 5,2-7,6 км/соат иш тезликларида дискнинг диаметри 285,6-289,2 мм, улар орасидаги кўндаланг масофа 8,3-9,4 см, агрегат пружинаси томонидан ишчи органларига бериладиган босим кучи 329,2-341,3 Н оралиғида бўлиши кам энергия сарфлаган ҳолда тупроққа белгиланган агротехник талаблар бўйича ишлов бериш имконини беради.

7. Ўтказилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган тупроққа тасмали ишлов берадиган ишчи органлар билан жиҳозланган комбинациялашган агрегатни буғдойдан бўшаган ерларни экишга тайёрлаш ва такрорий экинлар уруғларини экишда қўллаш амалдаги техника воситаларига нисбатан ҳар бир гектар майдонга сарфланадиган тўғридан-тўғри (эксплуатацион) харажатларни 33 фоизга камайтириш ва буни эвазига битта комбинациялашган агрегатдан йилига 22382791 сўм иқтисодий самара олиш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.05 / 13.05.2020.Т.112.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ ИСЛАМА КАРИМОВА**

ПРИМКУЛОВ БЕКЗОД ШЕРАЛИЕВИЧ

**ОБОСНОВАНИЕ ПАРАМЕТРОВ РАБОЧИХ ОРГАНОВ ПОЛОСНОЙ
ОБРАБОТКИ ПОЧВЫ КОМБИНИРОВАННОГО АГРЕГАТА ДЛЯ СЕВА
СЕМЯН ПОВТОРНЫХ КУЛЬТУР**

**05.07.01 – Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. Механизация
сельскохозяйственных и мелиоративных работ**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ГУЛЬБАХОП - 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2021.1.PhD/T1855.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете имени Ислама Каримова.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу: e-mail: (www.uzmei.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Алимова Феруза Абдукадировна
кандидат технических наук, доцент.

Официальные оппоненты:

Худаяров Бердирасул Мирзаевич
доктор технических наук, профессор

Артыкбаев Бахтияр Пирниязович
PhD по техническим наукам, с.н.с.

Ведущая организация:

АО «ВМКВ-Agromash»

Защита диссертации состоится «21» мая 2021 г. в 15⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.T.90.01 при Научно-исследовательском институте механизации сельского хозяйства (Адрес: 110801, Ташкентская область, Янгиюльский район, городок Гульбахор, ул. Самаркандская, 41. Тел.: (+99870) 601-07-04, факс: (+99870) 601-07-04, e-mail: qabulxona@euzmei.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре при Научно-исследовательском институте механизации сельского хозяйства (регистрационный номер 448). Адрес: 110801, Ташкентская область, Янгиюльский район, городок Гульбахор, ул. Самаркандская, 41. Тел.: (+99870) 601-07-04, факс: (+99870) 601-07-04, e-mail: qabulxona@euzmei.uz

Автореферат диссертации разослан «5» мая 2021 года

(Протокол рассылки № 10 «5» мая 2021 года)



М. Т. Тошболтаев
Председатель научного совета по присуждению
ученой степени, д.т.н., профессор

А. А. Ибрагимов
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученой степени, д.т.н., с.н.с.

А. Тухтакулиев
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученой степени, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире ведущее место занимает разработка энерго-ресурсосберегающих и высокопроизводительных комбинированных машин, применяемых при подготовке полей к посеву. «Если учесть, что в настоящее время в мире площадь полей, обрабатываемых под посев семян сельскохозяйственных культур, составляет 1,6 млрд. гектаров»¹, внедрение энерго-ресурсосберегающих, высококачественных и высокопроизводительных комбинированных машин - одна из важнейших задач при подготовке почвы и выполнении посева. В развитых в этом направлении странах, таких как США, Германия, Англия, Российская Федерация, большое внимание уделяется се и применению комбинированных агрегатов, осуществляющих ические процессы полосной предпосевной подготовки почвы и посева.

— мире ведутся целевые научно-исследовательские работы, направленные на создание ресурсосберегающих технологий подготовки полей к посеву повторных культур и новых образцов технических средств для их осуществления, по разработке научно-технических основ усовершенствования существующих машин с целью обеспечения ресурсосбережения в процессе работы. В этом направлении проведение целенаправленных научных исследований по созданию ресурсосберегающей технологии подготовки полей к посеву за один проход, разработке схемы комбинированного агрегата, осуществляющего качественное выполнение технологического процесса, обоснованию параметров рабочих органов, обеспечивающих ресурсосбережения в процессе взаимодействия их с почвой является актуальным.

